КУТУБХОНАСИ
Тадқиқотлар институти

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 105 (9.602) 2001 йил 7 сентябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

### Янгиликлар, воқеалар

## ҚИСҚА сатрларда

❐ **ОНАЛАР** ва болалар йили муносабати билан Юнусобод туманидаги «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи ҳудудида янги гузар ҳамда шифохона қурилиб фойдаланишга топширилди.

❐ **АКМАЛ** Икромов туманидаги «Она -бола маркази» шифохонасида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман бўлими ҳамда туман Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида «Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари» мавзусида бўлиб ўтган анжуман Оналар ва болалар йилига бағишланди.

❐ **КЕЧА** Тошкент шаҳар қўшимча таълим мажмуасида очиқ эшиклар куни ўтказилди. Унга ташриф буюрган ўқувчилар мажмуалар қошидаги тўгараклар, клублар ва секцияларнинг фаолияти билан танишишди.

❐ **МИРОБОД** туманидаги 6-катталар кутубхонасида истиқлолнинг 10 йиллигига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

❐ **БМТ**нинг гиёванд моддаларни назорат қилиш ва Марказий Осиёда жиноятчиликнинг олдини олиш ваколатхонасида «Оммавий ахборот воситалари орқали наркотик моддаларнинг зарарли таъсири тўғрисида аҳолининг маълумотини кучайтириш» мавзуида семинар ўтказилди.

### ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ

## Нуфузи тобора ортиб бормоқда

Яқинда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси васийлигида теннис бўйича тўққизта давлат ўсмирлари иштирокида ўтказилган «UN Cup» халқаро мусобақаларида ҳамшаҳримиз Фарруҳ Дўстов ғалабаси шарафига мадҳиямиз янграб, давлатимиз байроғи кўтарилганида фахр ва ифтихор туйғулари жўш урган ҳолда хаёлдан қуйидаги фикрлар ўтди:

Ахир теннисда бугунги кунда И.Тўлаганова, К.Дадахўжаева, Ф.Дўстов, О.Омонмуродова ва бошқа кўплаб ўсмирларимиз эришаётган салмоқли муваффақиятлар ортида республикамизда спортнинг ушбу турининг ривожига катта туртки бўлган Президент Кубоги мусобақалари ётганлиги сир эмаску.




Илк бор 1994 йили ташкил этилган Президент Кубоги халқаро турниридан сўнг республикамизнинг барча вилоятларида замонавий кортлар қад кўтара бошлади, аёллар ўртасида «Тошкент опен», кўплаб челленжер, фьючерс халқаро мусобақалари ташкил этила бошланди. Орадан ўтган қисқа вақт ичида мустақил юртимиз теннис усталари ёзги олимпиадалар, «Катта дубулға» туркумига кирувчи нуфузли мусобақаларда жавлон урдилар. Жумладан, Президент Кубоги Турнирининг нуфузи ҳам, мукофот жамғармаси ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда Президент Кубоги жаҳоннинг 32 мамлакатида ўтказиладиган АТП Тур туркумидаги 71 та мусобақалардан бири қаторига кирган.

Ўтган етти йил ичида пойтахтимиз кортларида ишқибозлар ва мутахассислар Е.Кафельников ва М.Сафин (Россия), Седрак Пиолин (Франция), Феликс Мантилья ва Карлос Мойя (Испания), Карим Алами (Марокаш), Николас Кифер (Германия) ва бошқа кўплаб теннис оламида чақнаган ёрқин юлдузларнинг ўйинларидан баҳраманд бўлишди. Кейинги икки йил давомида эса Президент Кубоги мусобақалари ташкил этилиши ва ўтказилиши жиҳатидан АТП Турнинг энг яхши мусобақаси дея тан олинди.

**ЭРТАГА** **шаҳримиздаги «Юнусобод» теннис кортларида саралаш ўйинлари билан саккизинчи марта Президент Кубоги мусобақалари бошланади.**

Шуниси қувонарлики, бу гал қатнашчилар таркиби ҳар доимгига қараганда ҳам кучлироқдир. Биз кортларда жаҳон теннисчилари таснифини бошқарган Е.Кафельников ва М.Сафин (Россия), 1999 йилги мусобақа ғолиби германиялик Николас Кифер, марокашлик ёрқин юлдуз Хишам Арази, исроиллик етакчи теннисчи Харел Леви каби улкан маҳорат соҳибларининг бетакрор ўйинларидан баҳраманд бўлишимиз мумкин. Хуллас, 16 сентябрга қадар кортларда бири-биридан чиройли ва шиддатли беллашувлар бўлиб ўтади.

Умид қиламизки О.Огородов, В.Куценко каби маҳоратли ҳамюртларимиз ҳам муносиб ўйин кўрсатиб, етакчилар сафидан ўрин олишлари учун бор имкониятларини аямайдилар.

Улкан теннис байрамига марҳамат, юртдошлар.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

### ФАН

## Замонавий жиҳозлар

**Ўзбекистон Фан ва техника Давлат қўмитаси соғлиқни сақлаш ишлари учун ҳам катта микдорда маблағ ажратмоқда. Қўмитанинг махсус гранти бўйича янги электрожарроҳлик аппарати ҳам яратилди.**

«ЭХВЧ-100Л» русумли бу мукаммал қурилма юқори частотали электр токи ёрдамида юмшоқ тўқималарни кесишга доир жарроҳлик ишларини олиб боришда қўл келади. Янги аппарат кўчма жарроҳлик хоналарида ҳамда касалхона шароитида тезкор усулда муолажалар олиб бориш имконини беради.

«ЭХВЧ-100Л» аппарати «Супромед» илмий ишлаб чиқариш фирмаси томонидан мукаммал лойиҳа бўйича тайёрланди. Бунинг учун фан ва техника қўмитаси уч миллион сўм миқдоридаги грант маблағини ажратди.

Фирманинг бу маҳсулотига шифохоналардан буюртмалар кела бошлади.

**Акбар АЛИЕВ**

### ТАЪЛИМ

## «Европа — Осиё» лойиҳаси бўйича

**Янги ўқув йилида республикамиз олий ўқув юртларидаги магистратураларда мутахассисликлар сони анчага ортади. Ўзбекистон Миллий университетида эса бирйўла тўртта янги йўналишдаги магистратура очилди.**

Олий ўқув юрти халқаро ҳуқуқ, халқаро муносабатлар, халқаро иқтисодий муносабатлар ва жаҳон тарихи мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлашга киришмоқда.

Ушбу янги гуруҳларга инглиз ва немис тилларини яхши ўзлаштирган иқтидорли талаба ёшлар қабул қилинди.

Ана шу таълимий жараёнларни амалга оширишда университет халқаро ТАСИС дастурининг «Европа-Осиё» лойиҳаси доирасида иш кўрди.

**Нигора ИСРОИЛОВА**

## Муҳим уч очко

Мамлакат Х миллий чемпионатининг 25-турида севимли жамоамиз «Пахтакор» ўз ишқибозлари кўнглини шод этди. Ўз майдонида «Сўғдиёна» билан беллашган пахтакорчилар бу сафар тезкор, аниқ ва чиройли ўйин намойиш этишиб 2:1 ҳисобидаги ғалабага сазовор бўлишди ҳамда совринли ўринлар сари элтувчи муҳим уч очкони қўлга киритишди. Рақиблар дарвозасига тўпларни Неъматилла Қуттибоев биринчи бўлим охири ҳамда 52-дақиқада йўллаган бўлса, меҳмонлардан Собелев 37-дақиқада жавоб тўпини киритди.

Пойтахтимиз шарафини олий лигада биринчи марта ҳимоя қилаётган ҳамда турнир жадвалининг 6-поғонасида бораётган «Академия» сафарда «Дўстлик» жамоаси билан 3:3, «Кимёгар» меҳмони бўлган тракторчилар эса 2:2 ҳисобидаги натижаларни қайд этиб жанговар дурангга эришишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Семурғ» — «Андижон» 0:2, «Навбаҳор» — «Нефтчи» 2:0, «Металлург» — «Самарқанд-Динамо» 4:1, «Сурхон» — «Қизилқум» 1:0, «Насаф» — «Бухоро» 4:1.

Навбатдаги 26-тур учрашувлари 11 сентябрда ўтказилади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Халқаро олимпия қўмитаси биринчи вице-президенти Виталий Смирновни қабул қилди. Учрашувда В.Смирнов Миллий олимпия қўмиталари уюшмасининг олий мукофоти — Олтин нишони ва эсдалик платинасини Ислом Каримовга тантанали равишда топширди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов **кеча** Оқсаройда Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Камол Харрозийни қабул қилди. Учрашувда томонлар ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва Афғонистондаги вазият билан боғлиқ масалаларда фикр алмашди.

●Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Чжан Чжимин, Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Улуғбек Чиналиев, Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Ғуломжон Мирзоев Ишонч ёрлиқларини топширишди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига давлат ва ҳукумат раҳбарларидан мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан самимий дил сўзлари изҳор этилган қутловлар келиши давом этмоқда.

● **Бугун** Тошкентда Осиё Банки Уюшмаси (ОБУ)нинг йиллик 18-йиғилиши ўз ишини бошлади.

● Фарғона вилояти ҳокимлигида пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш ва кузги дон экиш ишларини жадаллаштиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида «Ўзбалиқ» акциядорлик компаниясининг таъсис йиғилиши бўлди.

● «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида янги линия — кауистик сода ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилди.

● Инсон имкониятларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон — Япония марказида Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасидаги грант шартномаларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

● Нукусда «Нодавлат, нотижорат ташкилотларини ҳуқуқий тартибга солиш» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичи якунларига бағишланган илмий-амалий конференция ўз ишини якунлади.

● «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг 2-жилди нашрдан чиқди.

### Жаҳонда

● **Индинга.** 9 сентябрь куни Беларусда Президент сайловлари бўлиб ўтиши кутилмоқда.

● Кремлда Россия Федерацияси Президенти В.Путин ва Москвага қисқа муддат билан ташриф буюрган Испания қироли Хуан Карлос ўртасида Яқин Шарқдаги вазиятни барқарорлаштириш масаласи муҳокама қилинди.

● Пекинда «Ўзбекистон Республикаси: 10 йил мустақиллик йўлидан деган мавзуда илмий-амалий конференция ўтказилди.

● **Бугун** Грузия Президенти Э.Шеварднадзе Руминия сафарини якунлайди.

● Россия Федерал хавфсизлик хизматининг Красноярск бошқармаси ходимлари Осиё-Тинч океани мамлакатларидан бирининг ошкор қилинмаётган ҳарбий жосусларини сезиб қолдилар. Бошқарманинг маълум қилишича, тижорат фирмаларидан бирида паноҳ топган жосуслар Россия ҳарбий техникаси билан алоқадор давлат сири ҳисобланадиган ҳужжатни ноқонуний тарзда қўлга киритишга ҳаракат қилишган.

● Остонада Қозоғистоннинг собиқ бош вазири А.Кажегелдин устидан бораётган суд ниҳоясига етди. У мол-мулки мусодара қилинган ҳолда ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Собиқ вазир икки йилдан бери чет элда яшириниб юргани учун ҳукм сиртдан чиқарилди.

● Филадельфияда СПИДга қарши кураш масаласига бағишланган халқаро форум очилди.

● АҚШнинг Сакроменто шаҳрида украиналик муҳожир Николай Солтис устидан суд бошланди. Судланувчи етти кишининг жонига зомин бўлганликда айбланмоқда.

№2. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати
Тошкент шаҳар кенгашининг саҳифаси

# Камолот

## Болалар ташкилотининг истиқболлари



**Маълумки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳомийлигида 7 ёшдан 14 ёшгача болаларни ўз ичига олувчи «Болалар ташкилоти» тузилиб, ўз фаолиятини олиб бормоқда. Бизнинг бугунги суҳбатдошимиз «Камолот» ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими кенгаши қошидаги «Болалар ташкилоти»нинг раиси Гулчеҳра Олимжоновадир.**

**— Гулчеҳрахон, суҳбатимиз аввалида ўзингиз тўғрингизда, қандай қилиб «Болалар ташкилоти» раислигига сайланганингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Ўзим бу йил Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг магистратурасини битирдим. Мутахассислигим бўйича иқтисодчиман. «Аҳолининг иш билан бандлигининг устувор йўналишлари» мавзусида магистрлик диссертациясини ёқладим.

Шуни таъкидлаш керакки, ёшлигимдан жамоат ишларида қатнашиш, турли кўрик-танловлар уюштиришга жуда қизиқаман. Университетда ҳам аъло ўқиш билан бирга 3-4 курсларда «Қувноқлар ва зукколар», «Балли, қизлар» танловлари ташкил этилиб, мен сардори бўлган факультетимиз жамоаси биринчи ўринни эгаллаганди. Ўша йиллари республика талабалар олимпиадасида ҳам иқтисодиёт йўналиши бўйича ғолиб чиққанман. Бу йил магистратурада ўқиётганимда Зулфия мукофоти номзодлигига республика танловига тавсия этилдим. Шундай фаоллигим сабаб бўлдими, республика «Камолот» ижтимоий ҳаракатининг ташаббус гуруҳига аъзо сифатида қабул қилишиб, унинг Низом ва Дастурини ишлаб чиқишда иштирок этдим. Шаҳар конференциясида, делегат сифатида республика қурултойида қатнашдим. Ҳозирда республика «Камолот» ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва ижроия қўмитаси аъзосиман.

Май ойи охирларида ишчи гуруҳининг аъзоси сифатида республика «Болалар ташкилоти» Низоми ва Дастурини ишлаб чиқишда қатнашдим. Кейин эса шаҳар «Болалар ташкилоти» таъсис этилди ва унинг раислигига мени сайлашди.

**— Орадан ўтган қисқа муддат — икки ой ичида қандай ишларни амалга оширишга улгурдингизлар?**

— Ҳозирча республика ташкилотининг Низоми асосида фаолият кўрсатяпмиз. Декабргача бўлган иш режасини тузганмиз. Фаолиятимизнинг бошланиши ўқувчиларнинг ёзги таътиллари пайтига тўғри келиб қолганлиги сабабли «Зилола», «Гулбаҳор» болалар оромгоҳларида ранг-баранг тадбирлардан иборат «Камолот» кунларини ўтказдик. Чилонзордаги 23-Меҳрибонлик уйида 4-11 ёшли болаларнинг ўз қўллари билан ясаган гербарийлар, суратлар, икебанолар кўргазмасини уюштирдик. Жиззах вилоятида ўтказилган республика «Болалар ташкилоти»нинг семинарида қатнашдик. Бухоро шаҳрида ўтказилган «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» республика «Болалар ташкилоти»нинг биринчи форумида 1991 йил 1 сентябрда туғилган ўн нафар боламиз билан иштирок этдик. Ғолиблар тақдирланди. Республика форумидан сўнг уни ҳар бир вилоятда ўтказишга келишиб олинди.

Шунга мувофиқ «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида «Мустақиллик — тенгдошим менинг» номли шаҳар болалар форумини ташкил этдик. Унда 1991 йил ва ундан кейин туғилган болалар иштирок этди.

**— Келажакка мўлжалланган режаларингиз тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Ҳар бир туманда болалар ташкилотларининг раислари бирин-кетин сайланиб фаолият бошламоқда. Ҳозирга қадар шаҳримиздаги ҳар битта мактабда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари тузилган. Шу ой охирига қадар улар ичида Болалар ташкилотларини тузиш ишларини якунлаймиз.

Шаҳар болалар форумининг муваффақияти ўтгандан руҳланган ҳолда бир нечта тадбирлар режасини белгиладик. Юқорида таъкидлаганимдай «Камолот» ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги «Болалар ташкилоти» қошида иқтидорли болалар банки (маркази)ни тузиш ниятидамиз. Бунда иқтидорли болалар тўғрисида маълумот йиғиб, улар билан алоҳида тадбирлар ўтказамиз, улар учун керакли мураббийлар топиб берамиз. Шу мақсадда Ботаника боғида 11 тумандаги расм чизувчи иқтидорли болалар иштирокида кўрик-танлов ўтказамиз. «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида ижодга қизиқувчи болалар иштирокида «Олтин куз» тадбирини ташкил этамиз. Хуллас, режаларимиз бисёр.

**— Янги «Болалар ташкилоти»нинг барча имкониятлари юзага чиқиб, истиқболи порлоқ бўлишига тилакдошимиз.**

**Суҳбатдош Дилшод ИСРОИЛОВ**

# Туман ёшларига бош-қош бўлиб

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Миробод туман бўлими кенгаши айни кунларда туман ёшларининг маънавий-маърифий камолоти йўлида бир қанча тадбирлар уюштирмоқда, қолаверса Тошкент шаҳри миқёсида ўтказилаётган тадбирларда, жумладан шахмат ва шашка бўйича ўтказилган беллашувларда, «Боғи Эрам» боғида 1991 йилда туғилган ёшлар учун ўтказилган «Истиқлол — тенгдошим» мавзусидаги шоу-тадбирда, «Шу азиз Ватан барчамизники» шиори остидаги 10 ёшли болалар орасида ўтказилган фестивалда фаол иштирок этиб келмоқда.

Айни кунларда 20 кишидан иборат 6 та ишчи гуруҳи туман ҳудудидаги маҳаллаларга чиқиб, у ердаги муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этиш борасида тегишли ташкилотларга таклифлар бермоқдалар. Бундан ташқари, туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган ҳамда республика «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши билан келишилган режага асосан ҳар бир маҳаллада 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган ёшлар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш ишларига ёшларнинг эътиборини жалб қилиш, уларни огоҳликка ва фаолликка чақириш, фидойи ёшларни аниқлаб, уларни «Маҳалла посбони» жамоат уюшмасига жалб қилиш мақсадларида ташкил этилмоқда.

Ҳаракатнинг туман бўлимининг молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида туманда рўйхатдан ўтган ягона солиқ тизимидаги кичик бизнес субъектлари (савдо ташкилотларидан ташқари) билан ўзаро қўллаб-қувватлаш шартномалари тузилмоқда. Ташкилотлар билан тушунтириш ишларини олиб боришда туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Бугунги кунга келиб тумандаги мавжуд шундай корхоналардан 88 фоизи билан шартномалар имзоланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, истиқлолимизнинг ўн йиллиги арафасида шаҳримизда, жумладан туманимизда ҳам бир қанча янги иншоотлар фойдаланишга топширилди. Туманимиз ёшлари бундан буён ҳам бундай ишларга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

**Абдусамад ҲИДОЯТОВ,**
**Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Миробод туман бўлими кенгаши раиси.**

# Университетда «Беруний академияси»

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Университетда иқтидорли талабалар билан ишлаш гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим масканлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Бу йил тугалланган ўқув йилида 500 га яқин иқтидорли талаба замонавий ахборот технологияларини эгаллаш бўйича Интернет ҳамда 170 дан зиёд талаба инглиз, немис ва француз тиллари бўйича ўқув курсларида университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари ёрдамида ўз билимларини янада оширишди ва мустаҳкамлашди.

Олий таълим тизимига юклатилган масъулиятли вазифалардан келиб чиқиб яқинда университет илмий кенгашининг қарорига асосан унинг қошида «Ёшларнинг Беруний академияси» ташкил этилди.

Ўз сафларида университетнинг иқтидорли талабалари ва ёш олимларини бирлаштирган ушбу академия университет ёшлари орасида ватанпарварлик, миллий ғурур, маънавий теранлик, ташаббускорлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни қарор топтириш, университетда илмий изланишлар олиб бораётган ёш олимлар ва иқтидорли талабаларга республикамиздаги ва чет эллардаги илмий изланишларни қўллаб-қувватловчи фондлар билан алоқалар ўрнатишга ёрдамлашиш; ўқув юртида амалга оширилаётган замонавий талабларга жавоб берадиган илмий изланиш натижаларини тарғиб қилиш ҳамда халқаро анжуманларда маърузалар билан иштирок этишга кўмаклашиш, ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг бўш вақтларида сермазмун, самарали ишлар билан шуғулланишига кўмаклашиш каби бир қатор вазифаларни белгилаб олдилар. Ёшлар академияси йилига 4 марта чоп этиладиган «Техника юлдузлари» илмий журналига ҳам эга бўлиб, унинг 1-сони нашрдан чиқди. Журнал саҳифаларида бакалавр ва магистрларнинг фундаментал фанлар, электроника, автоматика ва ҳисоблаш техникаси, энергетика, машинасозлик, кончилик ва геология, нефть-газ ва саноат экологияси, иқтисодиёт, шунингдек аждодларимиз мероси йўналишларида илмий мақолалар, талабалар илмий ҳаётидан лавҳалар берилган.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ,**
**Тошкент Давлат техника университетининг доценти.**

# Ёш ҳуқуқшунослар жамияти тузилди

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан пойтахтимизда Тошкент шаҳри Ёш Ҳуқуқшунослар жамиятининг 1-таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Унда янги тузилаётган ташкилотнинг Низоми тасдиқланди ҳамда раҳбар органлари сайланди. Тошкент Давлат юридик институтининг талабаси Мавлон Муҳитдинов жамият раислигига сайланди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими кўмаги билан ушбу янги ташкилотнинг тузилиши Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидаги олдинга ташланган муҳим қадамдир.

**Рустам КОМИЛОВ**

### ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

**НОДИР**

# БЕШИНЧИ ГУЛШАН

**(Давоми).**

Шаҳзода бу шартларни эшитиб завқланиб деди:

Жоним билан сенга харидорман, сенинг барча меҳнатингга тайёрман. Бу йўлда сен ҳожасан, мен эса қулман, сенинг ҳукминг бошим узра тождур. Бу янглиғ шартларни қилди қизил гул, қабул этди муҳаббат ичра булбул. Бу навони эшитган аҳли мажлис таҳсину офаринлар ўқидилар. Ўша заҳоти тарозу келтирдилар ва бир томонига Жавҳар чиқиб ўтирди, иккинчи томонига лаълу гавҳар тўлдириб, икковини баробар қилиб тортдилар. Бой олтинларни олиб, ҳокимни ҳам рози қилди. Канизак дарҳол бир эски чопонни шаҳзодага кийдириб деди: энди Миср томонга юрурмиз. Фалон мавзеда тўрт сандиқ бор, тўрт канизак билан бориб, ҳузуримга кўтариб келтиргайсан. Шаҳзода югуриб бориб сандиқларни келтирди. Шундан сўнг сафар жабдуғини ҳозирлаб йўлга тушдилар. Шаҳзода хизматкорлардай эртадан кечгача хизмат қилиб пиёда юрди. Улар карвон каби қайси манзилда тўхтасалар, шаҳзода хизматга қойим бўлиб, хас-хашак йиғиш билан овора бўларди. Канизак ҳар дамда шакар тилидан заҳар сочиб, аччиқланарди. Шу алпозда ўн кун ўтиб, бир кеча шаҳзоданинг нолали овози эшитилди. У кўзидан қонли ёшини тўкиб, аламидан бошини ерга урарди. Киши жаннатга кирсаю бироқ унинг нозу неъматларидан баҳраманд бўлолмаса, бундан оғир дард йўқ. Шу боис у жон-дилидан нолаю афғон қиларди. Шаҳзоданинг оҳу нолаларини ул гулбадан эшитгач, унинг аҳволига ачинди ва жафони ҳаддан оширганига ишонч ҳосил қилди. Бу ғамдан унинг тоқати тоқ бўлиб, кўзига ёруғ жаҳон қоронғу бўлди. Унинг кўксига ғам ўти туташиб, ипакдек ўралиб, шаҳзода ҳузурига бориб хитоб қилди: не сабабдан зору маҳзунсан, нечун ҳар замонда нола қиласан? Бу ишлардан агар пушаймон бўлсанг очиғини менга айт. Сен сарф қилган пулингни мендан олгину орқангга қайт! Саодатшоҳ канизакка тазарруълар қилиб: бу нуқсон мендан содир бўлди, кечиргил, бундан буён оҳу нолани ҳаргиз тилимга олмайман деди. Канизак деди: эй дарду алам аҳлининг султони, ўз аҳволингдан мени огоҳ қил! Қайси мамлакатда, кимнинг фарзандидурсан? Не учун манга харидор бўлдинг, қачондан буён тузоғимга гирифторсан? Не учун бу жафоларга чидаб, бу йўлга таваккал қилиб кирдинг? Мени бу асроринггa маҳрам қил, энди ғам-андуҳни ўзингдан йироқ тут! — деди. Шаҳзода кўзидан ёш тўкиб, ширинсуханлик билан ўз элати Эрон замин ҳақида маълумот бериб, уни тушида кўргани ва ўшандан буён кечган ҳол-аҳволини бошдан-оёқ бир-бир баён қилди. Канизак шаҳзоданинг кўз ёшларини артиб, дарҳол унга шоҳона либослар кийдирди ва унга табассумла боқиб: менинг отам ҳам Рум кишварининг шоҳидир. Унинг сипоҳи беадад кўпдир. Бироқ, эл-юртнинг тутган йўли (тариқат) нотўғри бўлиб, бут ва санамга сиғинардилар. Румийларнинг ҳаммаси ҳақ тангридан ғофил эдилар. Баҳор айёмида бир неча эллар тоғу даштларни сайр қилардик. Ҳамма жойда лолалар очилган ер юзига гўё лоладан поёндоз солингандек эди. Султонга бу манзара мақбул бўлиб, эй аҳли муҳаббат, ҳеч тортинмай айш-ишрат қилинг деб буюрди. Униng ҳукми билан кўнгил очиш бошланиб, ошиқу маъшуқ бир-бирини топди, гўёки Узрою Вомиқ учрашгандай бўлди. Ўшал дамда ҳолатим ўзгача бўлди, юрак оғриб, бошимни ерга қўйиб уйқуга кетдим. Уйқу гулшанида сайр қилиб юриб, бир боғга рўбарў бўлдим. Шу вақт ҳаммаёқни қоронғулик босди. Бу зулмат хавфидан юраклар пора-пора бўлишга яқинлашди. Мен ҳар томонга югуриб, қочишга йўл тополмасдим. Шу пайт худди сенга ўхшаш бир йигит намоён бўлди. У мени исломга даъват қилиб, қиёмат аломатларидан баён қилди. Унинг даъватини қабул қилдиму зебо чеҳраси шайдоси бўлдим. Мен унга дедим: гул юзингни, булбулдек сўзингни қайси макондан излаб топаман? У менга қараб: мен сенинг васлингни излаб Қори Қиблага мусофир бўлиб борурман, деди. Шу вақт даҳшатдан уйғониб кетдим. Уйқудан турдиму тўртта туяни ва тўрт нафар канизакни ўзимга ҳамроҳ қилиб, бу сирдан ҳеч кимни воқиф қилмай, яна бу тўрт сандиқ жавоҳирни олиб, ишқ саҳросида мусофир бўлиб, Қори Қибла сари йўл олдим. Тун ярмида Қори Қиблага кириб бордик. Бир одам бизга йўлиқиб кўп шод-хуррамлик изҳор этиб, ўз кошонасига олиб борди. Унга оталик нисбатини бериб, иззатини ўрнига қўйдим. Аммо, бу сирни унга билдирганим йўқ. Кунлардан бир кун унга дедим: эй яхши одам, агар менга бирор одам харидор бўлиб келгудай бўлса, тарозунинг бир палласига мени қўйиб, бир палласига дурру гавҳарни солиб, менинг оғирлигим баробарида олгайсан. Бундан камига сотмагайсан, шунингдек бошқа молимга кўз тикмагайсан! Ўшал манзилда бир неча ой яшадик, бой ўз ваъдасида турди. Неча кундан сўнг тақдир шамоли сени у ерга олиб борди. Неча шева билан у ерга йўлинг тушиб, мени олмоқни ихтиёр қилдинг. Мен фаросат билан сени идрок қилиб билгандим. Сени синаб кўриш учун бу шартлару меҳнатни раво кўрдим, гарчи юрак-бағрим ишқ тиғидан чок-чок бўлса ҳам. Агар ҳақиқий муҳаббат аҳлидан бўлса бу меҳнатларга албатта, сабр қилади деб ўйлагандим. Энди билдимки муҳаббат мулкида бўстоним, менинг меҳрибоним сен экансан. Уни шоҳ янглиғ отга миндириб ўзи чўридек хизматда бўлди. Неча хавф-хатарларни кўриб, суръат билан йўл босиб борардилар. Ниҳоят, узоқдан бир тоғ кўриниб, ҳамманинг кўнгли очилди.

Сувлари жорий, ҳар турли мевалари маъмур. Суюнишиб бориб кўрдиларки бир қишлоқдур. Ногаҳон уларнинг қаршисида совут қалқон билан қуролланган бир неча юз киши пайдо бўлдилар. Улар диёнатсиз йўлтўсар ўғрилар бўлиб, мазкур мавза уларга маскан эди. Барча ўткинчи карвонни ғорат қилиб, мол-мулкини талардилар. Қароқчилар сурон солиб ҳамла қилдилар. Шаҳзоданинг амри билан тангри таоллога таваккал қилиб юз қул жангга киришди. Улар кўп бош кесардилар, аммо қароқчиларнинг янги-янги сафи жангга кирар ва уларнинг охири кўринмас эди. Шу пайт Жавҳар шаҳзодага дедиким, энди жонни саломат сақлаб қолмоқ учун тезлик билан сандиқдаги жавоҳирлардан икки хуржунни тўлдириб отга миниб бу ердан қочмоқ керак, акс ҳолда ҳамма қирилиб кетади. Шаҳзода Жавҳарни айтганини қилиб, икки хуржун жавоҳирни икки отга юклаб Жавҳар билан бирга жанггоҳни ташлаб чиқдилар. Улардан ҳеч ким воқиф бўлмади.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**
**(Давоми бор).**



*Раққоса хиром айлар... Сергей Любчич олган сурат.*

# Сўранг, жавоб берамиз

***Тошкентда зилзила бўлган йили уйимиз бузилиб бизга, яъни мени ва акамнинг номига ер участкаси берилган эди. Мен ҳарбий хизматда эдим. Келганимда фақат иккита вақтинчаликка омонат уй қурилган эди. 1970 йилда акам бола-чақалари билан бошқа ердан уй-жой қилиб чиқиб кетишди. Ҳозирги яшаб турган уйимизда прoпискалари ҳам йўқ. Лекин шунча йиллар ўтгандан кейин акам бу уйда менинг ҳам ҳаққим бор, деб даъво қилмоқда. Нима қилишим керак?***

***И.Тўраев.***

*Берилган ер участкаси сиз ва акангиз номига берилган бўлса, ўша берилган вақтда акангиз иморат қурган, бу уй-жойга нисбатан ҳар иккалангизда тенг ҳиссада эгалик ҳуқуқи бор.*

* * *

***Ўртачирчиқ туманида турамиз. 1991 йил катта опам қозоғистонлик йигитга турмушга чиққан эди. 2 та қизи бор. 2 йил олдин қайтиб келди. Кетидан йўқлаб ҳеч ким келмади. Опамнинг ҳеч қандай қўлида ҳужжати йўқ. Уйимизга ҳам прописка қилишмаяпти. Биз нима қилишимиз керак?***

***Р.Сиддиқова.***

*Бу масалада сиз ўзингиз яшаб турган тумандаги ИИБ «Рўйхатга қўйиш, чиқариш ва фуқаролик» бўлимига мурожаат этишингизни маслаҳат берамиз. У ерда сиз тўлиқ маълумот олишингиз мумкин.*

* * *

***Менинг 3 қизим бор эди. Учаласи уйли-жойли. Ўғлим йўқлиги учун битта қизимнинг 10 ёшлик ўғлини тарбиямизга олмоқчи эдик. Лекин уйимизга прописка қилишмаяпти. Биз кимга мурожаат этишимиз керак?***

***М.Мирисоқов.***

*Бу масалада сиз ўзингиз яшаб турган туман халқ таълими бўлимига мурожаат этиб, фарзандликка олиш масаласини ҳал этишингиз мумкин.*

* * *

***Автомашина солиғи ҳақида маълумот берсангиз.***

***С.Шодиев.***

*Ҳозирги кунда транспорт солиғи енгил турдаги автомашиналарга ҳар бир от кучи ҳисобига 9 сўм 40 тийиндан, юк автомашиналарига эса 182 сўм 80 тийиндан ундирилади.*

* * *

***Айтингчи, фуқаролар неча ёшдан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўладилар?***

***А.Абдуллаев.***

*Ўқув муддати тугаганда мотоциклларни бошқаришга 16 ёшга тўлган, енгил ва юк автомобилларини бошқаришга 18 ёшга тўлган, йўловчилар ташишга мўлжалланган транспорт воситаларини (автобус, кичик автобус, енгил такси, одам ташиш учун жиҳозланган юк автомобилларини) бошқаришга 21 ёшга тўлган шахсларга ижозат берилади.*

***Жавоблар Юнусобод туман 6-Давлат нотариал идораси нотариуси Икром ИСМОИЛОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.***

* * *

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

# Бу ажиб дунё

## Омон қолишди

Колумбиялик икки учувчи бир моторли самолётда учиб кетишаётиб қулаб тушишди ва омон қолишди.

АҚШдаги «Женерал электрик» компаниясининг Колумбия бўлимида ишлайдиган икки техник ходим «Сессна» енгил самолётида Колумбия шимолидаги Караколи шаҳрига йўл олишганди. Манаилга оз қолганда, негадир самолёт мотори ўчиб қолди ва қайта ўт олмади. Ноилон самолётни қўндиришга қарор қилди ва қулай жой танлашга фурсат йўқлиги учун кўлга қўнишга мажбур бўлишди.

Аммо шу билан уларни омон қолди деб бўлмасди. Негаки, кўл тимсоҳчилик билан шуғулланарди. Тимсоҳлар уларни ғажиб ташлашга тайёр турарди. Яхшиям ишчилар тезда ёрдамга етиб келишди.

## Ажойиб совға

Франциянинг яна бир илғор автокомпанияларидан бўлмиш Renault Megane автоси чиқарилади. Женева авто-шоусида анча шуҳрат қозонган ушбу авто ҳозирда кўплаб ишқибозларга тинчлик бермаяпти. Уларнинг ҳаммаси тезроқ ушбу гўзал автони қўлга киритиш ниятида. Яқинда улар ўз ниятига эришадилар. Фақатгина бироз сабр қилмоқ лозим.

## Янги машина

Франциянинг «Peugeot» автокомпанияси янги русумдаги машиналар ишлаб чиқаришни бошлаб юборди. «Peugeot» 406 Coup деб аталмиш ушбу авто дизель ёнилғиси ёрдамида ҳаракатланади. Энди бу машина 10,9 сония ичида 100 километрлик тезликка эга бўла олади.

## Сирли хазина

Кучли шамол туриб олма дарахтини илдизи билан суғуриб кетди. Бу ҳодиса Эстониянинг Каунас шаҳри атрофидаги бир қишлоқ мактабининг боғида рўй берди.

Эртасига қулаган дарахтни бир четга олиб қўймоқчи бўлган мактаб ўқувчилари дарахт илдизи ўрнида ҳосил бўлган чуқурликда бир хумни кўриб қолишди.

Уни очиб қарашса, ичи олтин тангалар билан лиқ тўла экан. Тангалар ичида 1824 йилда чиқарилган бир нечта Америка доллари ҳам бор эди.

Археологлар бу хазина сирини очиш устида бош қотиришмоқда.

## Ғаройиб ҳукм

Испаниялик судья Эмилио Калаталюд 15 ёшли ўғрига нисбатан ғаройиб ҳукм чиқарди. Суд жараёнида ўсмирнинг ғирт саводсизлиги маълум бўлди. Судья уни мажбуран ўқиш ва ёзишни ўрганишга ҳукм қилди.

## Шарқ дурдоналари

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Инсоннинг энг гўзал фазилати — унинг одобидир. Ҳусн ҳусн эмас, одоб ҳусн, у ҳеч қачон қаримай, абадий ҳузур-ҳаловат бағишлайди.

● Ширин сўз — одобли кишининг энг зарур қуролидир, аччиқ сўзлар айтиб дилларни шикастлаш нодонлик белгисидир.

● Одобли инсон дўстликни зардек қадрлайди, зеро қил ҳар қанча ингичка бўлса ҳам бир-бирига бирикканда филни ҳам банди қилиб қўяди.

ҲИКОЯТ. Бир қанча фозиллар Афлотунга шундай савол беришибди:

— Кимларга тезроқ ақл киришини истардинг?

— Душманларимга, — дебди у, — ҳаммага маълум, ақлли, одобли одам ёвузликдан қочади, аҳмоқларни эса бемаъни ишдан сира қайтариб бўлмайди.

Байт:

**Ҳаё-ю, шарму одобу, тавозеъ,**
**Эмас ҳайвонаки инсона яхши.**

● Ёшлигингда шундай яшагинки, кексайиб чорасиз қолганингда бахтли бўл.

● Танинг соғ экан, ҳали кексамайган экансан, куч-ғайратинг бор экан, имкон борича нимадир яратишга ҳаракат қил. Уйингни ўт олганда кейин қудуқ қазишингдан нима фойда.

● Яхши қариялар бор жойда яхши ёшлар етишиб чиқади, улар йўлчи юлдуздек нур сочиб турадилар.

● Кексалик донолик билан уйғунлашиб кетса, азим дарё бўлиб элга хизмат қилади.

● Темир қалъани ёшлар қилич ишлатиб йиқитсалар, қариялар фикр билан ағдарадилар.

ҲИКОЯТ. Бир ҳакимдан сўрабдилар:

— Сен учун энг улуғ киши ким?

— Отам, отамнинг отаси, энг катта бобом, у бобомнинг онаси энг улуғ кишилар, улар ҳаёт дарсини ўқиган қариялардир.

Байт:

**Бўйин товлама кекса тадбиридан,**
**Қарияларда бор тажриба, фикру фан.**

● Дўстликнинг учта шарти бор. Ҳурмат-иззатни йўқотмаслик, яхши-ёмон кунда ҳамдардлик, ваъдага вафо қилиш.

● Агар дўстим кўп бўлсин десанг, ҳеч кимга ёмонлик қилма, манманликка юз бурма, ҳеч кимни ўзингдан паст деб ҳисоблама.

● Нокас ва қабиҳ киши билан дўст тутиниб юрма, бундайларнинг ниятини билиш қийин. Ахир кўлмак сув тиззадан ошмаса ҳам тагини кўролмайсан-ку.

● Жасурни — жанг, дономандни — ғазаб, дўстликни — муҳтожлик синайди.

● Ота — хазина, ака-ука — таянч. Яхши дўст эса ҳар иккovидир.

ҲИКОЯТ. Бузургмеҳрдан:

— Нега дўстнинг душманга айланиши осону, душманнинг дўсти бўлиши қийин? — деб сўрадилар.

— Иморатни бузиш қуришдан, жомни синдириш пайванд қилишдан, пулни сарфлаш топишдан осонроқ-да, — деди у.

● Ҳеч бир нарсани, хусусан вақтимизни исроф қилмаслик инсоний вазифамиздир. Ҳар биримизнинг жуда кўп бўш вақтимиз бўлади, аммо ундан қандай фойдаланишни баъзан билмаймиз, бугунги зарур ишимизни эртага қолдириб, темирни қизиғида босмаймиз, бундан ўзимиз ҳам, оиламиз ҳам фойда кўрмайди.

Ўтган ҳар бир дақиқамиз ҳаётимиздан юлқиб олинган бир бўлак ҳукмидир. Шунинг учун вақтни ҳар нав бойликдан қимматли деб билиш, ҳар фурсатдан ўринли фойдаланиш — бахт калитидир. Кимда ким азиз умрининг кўп қисмини арзимас бўлиб кўринган фурсатларини бой берар экан, у ўзига хиёнат қилган бўлади.

Айтилган бу сўзлардан ҳеч ўйнаманг, кулманг, истироҳат қилманг, деган маъно англашилмасин. Агар вақтимизни гўзал, тадбирли истеъмол этсак ўйин-кулгига, истироҳатга ҳам вақт топа оламиз. Донишмандлар гаштли меҳнатдан сўнг олинадиган ҳордиқни энг ҳузурбахш деб билганлар. Ялқовликка берилмоқ, олтин фурсатларни совурмоқ умр сўнгида пушаймонлик келтиради.

● Ишёқмас, ялқов одам, ҳатто йигитлик чоғида қари одам тусини кўрсатиб қолади. Чунки ишсиз, бекорчилик билан кечган вақтнинг бир дақиқаси бир соатдан узундир.

● Ўқиш ва тушуниш бир эмас, чунки тушунмасдан ўқиган киши ўқишдан талаб этилган мақсадга хизмат этмаган кишидир.

● Нодон билан дўст бўлишдан чекин, чунки нодон яхшилик қиламан деб ёмонлик келтириб қўяди.

● Ҳусайн Воиз Кошифий айтади:

**Сен чақимчи бўлмагил, эй бехабар,**
**Бегуноҳлар оҳидан қилгил ҳазар.**

## КУЛГИ БЕКАТИ

# Ҳандалар



*Аскар:*

*— Жаноб зобит, хотиним бетоб, икки кунга рухсат берсангиз.*

*Зобит:*

*— Бугун хотинингдан хат келди. Тузалиб кетганини сенга айтиб қўйишни сўрабди.*

*Аскар:*

*— Ёлғон ҳам эви билан-да. Мен ахир уйланмаганман.*

* * *

*— Капитал билан меҳнатнинг фарқи нимада?*

*— Бировга пул қарз берсангиз — бу капитал, уни қайтариб олиш эса меҳнат.*

* * *

*Бошлиқ ёрдамчисига ўн дақиқали маъруза ёзиб беришни буюрди. Маъруза тайёр бўлгач, бошлиқ мажлисда уни ярим соат ўқиди. Эртасига эса ёрдамчисини койиди:*

*— Нега ўн дақиқали десам, ярим соатлик маъруза ёздингиз?*

*— Кечирасиз, сизга уччала нусхани ҳам бериб юборган эканман.*

* * *

*Бир киши овқатланиб бўлгач, официантдан сўради:*

*— Овқат тайёрланадиган жой жуда тоза бўлса керак-а?*

*— Ҳа, албатта. Нега бундай деяпсиз?*

*— Ҳамма нарсадан совун мазаси келяптида.*

* * *

*Сотувчининг қўпол муомаласидан жаҳли чиққан харидор деди:*

*— Айтган гапларингизни қайтариб олиб, кечирим сўранг.*

*— Бу ерда ҳеч нарса қайтариб олинмайди, жуда бўлмаса алиштириб берилади.*

* * *

*Руҳий касалликлар шифохонасида бир бемор ҳовузда кўйлаги билан чўмилибди. Сўнг ўзини-ўзи дорга осаётган экан, буни кўрган санитар ходим деди:*

*— Нега ундай қиляпсан?!*

*— Ие, томинг кетганми, кўйлагимни қуритмоқчиман, — дебди бемор.*

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.**

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# Бошқотирма

**Ётиқ бўйича ўнгга:** 3. Серуруғ ҳўл мева. 4. Парҳез суюқ таом. 5. Шеърият тури. 10. Самолётлар сақланадиган ва жорий таъмирланадиган иншоот. 11. Қадимда қўлланилган, тахминан 50 граммга тенг оғирлик ўлчови бирлиги. 13. Мусиқа ва турли кўнгилочар санъат соҳаси. 15. Ҳисоб илми амалларидан бири. 20. Қимматбаҳо тошлар ўлчови бирлиги.

**Ётиқ бўйича чапга:** 1. Таниқли ўзбек халқ бахшиси. 2. Пойтахтимиздаги бозор. 3. Поялари баланд бўйли, илдизи шифобахш кўп йиллик ўсимлик. 10. Примқул Қодировнинг «Авлодлар довони» романи қаҳрамони. 11. Европа ғарбидаги давлат пойтахти. 12. Граммофон пластинкасига ёзилган ёзувни эшитиш қурилмаси. 14. Заҳарли тугмасимон меваси табобатда ишлатиладиган гули сариқ, кўк, сафсар очилувчи ўтсимон ўсимлик. 20. Чехияда пул бирлиги.

**Энига:** 6. Йиртқич балиқ. 7. Тош даврининг энг сўнгги асрига берилган ном. 8. Тожик ёзувчиси ва драматурги. 9. Сурхондарё вилоятидаги туман. 16. Калтакесаксимон, йирик чўл жонивори. 17. Модданинг иш бажара олиш қобилияти мезони, қувват. 18. Илм фан соҳаларини мукаммал эгаллаган билимдон. 19. Бирор маълумот, хабарни асоссизлигини исботловчи расмий баёнот.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Моҳир тикувчи — 16, 14, 15, 4, 7.

2.Йил фасли — 3, 9, 11.

3. Алишер Навоийнинг «Хамса» асаридаги Мажнуннинг асл исми — 12, 4, 10, 13.

4. Жамиятда одат тусига айланган расм-русум, тартиб-қоида — 8, 4, 6, 5, 1, 2.

Жавоблар асосида шакл марказидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Улардан аён бўладиган ҳикмат машҳур турк олими Муҳаммад Зеҳний меросига мансуб.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**



## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Бугунги кунда фуқаролар учун офатга айланган гиёвандлик иллати айрим инсонларни ўз тузоғига илинтириб бор будидан айирмоқда. Кенг миқёсда ўтказиладиган ҳар хил гиёвандлик моддаларига қарши кураш тадбирида ҳеч қаерда ишламайдиган Тожибой К. ушланиб ёнидан инсонга кучли таъсир этувчи героин «заҳри қотил»и олинди. Ишламай пул топиб ҳаёт кечиришни истаган бу шахснинг қилмишига Миробод тумани қонун ҳимоячилари чек қўйишди.

Шунингдек, оқ ажал уруғини олиб юриш, сақлаш, сотиш, тарқатиш, қолаверса, у билан шуғилланиш қаттиқ тақиқланган бўлсада оғуфурушликни касб қилганлар ҳам учраб туради. Чилонзор туманида Самарқанд вилоятида яшовчи Ёрмат Қ. тўхтатиб кўздан кечирилганда унинг ёнидан наркотик «опий» моддаси топилиб тортиб олинди. Юқорида содир этилган наркожиноятлар фош этилиб, тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

● Яқинда Чилонзор туман ИИБ ходимлари яна бир жиноят — автоулов ўғирлигининг олдини олишди. Акс ҳолда Собир О. автомашинасидан ажраб қолиши ҳеч гап эмас эди. Автомашина ишқибозлари Қосим Р. ва Тўлқин М.лар қаровсиз қолдирилган транспорт воситасини ҳеч кимдан сўрамай ғизиллатиб ҳайдаб кетадилар. Лекин улар кўзлаган манзилларига етаолмадилар. Тўғрироғи, жиноят-қидирув бўлими изқуварлари уларнинг йўлига тўсиқ бўлиб, қўлга олдилар. Энди эса бу йигитлар терговчи саволларига жавоб изламоқда.

● Ҳукуматимиз томонидан яратилган шарт-шароитларга қарамай айрим фуқароларнинг валюта алмаштириш қоидаларини қўпол равишда бузиш ҳоллари учраб турибди. Миробод туманида истиқомат қилувчи Марат А. ва унинг ҳамтовоғи Бахтиёр Р.лар 40.000 АҚШ долларини ноқонуний равишда фуқаро Ёркин Р.билан олди-сотди қилганлиги терговда аниқланмоқда.

● Фирибгарлик йўли билан «ноёб пул» топиш усулини танлаганлар узоққа бормаслиги аниқ. Хусусий тадбиркор Ҳайитмурод Ш. Содиқ Р.дан «Корея Республикасига ишга жўнатаман» деб алдаб унинг 450.000 сўм пулини олиб жуфтакни ростлаган. Худди шундай яна бир жабрланувчи фирибгарлик тузоғига пули билан бирга илинди. У ҳам Ҳайитмуроднинг ёлғон ваъдаларига ишониб «Корея Республикасига ишга борар эканман», деб хом ўйлади. Натижада Холдор Д. 300.000 сўм пулини фирибгарга қандай бериб қўйганини ўзи ҳам билмай қолди. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан жиноий иш очилиб, суриштирув ва тергов олиб борилмоқда.

● Кимдир меҳнат билан пул топса, кимлардир қора ният билан бойлик орттиришга ҳаракат қилади. Афсуски, бундай кимсалар қинғир йўл билан топилган бойлик унинг қора кунига ярашини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Юнусобод туманида яшовчи Руслан А. Ҳамида М.нинг бўйнидаги сариқ металлдан ясалган қимматбаҳо занжирни юлиб олиб, қочиб кетган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ўзга аёлнинг бўйнига чангал солган йигитдан далилий ашёлар қайтариб олинди. Илгари судланганидан хулоса чиқармаган бу «олғир» яна бир бор суд олдида қилмиши учун жавоб беради.

● Маълумки, кўп қаватли уйларнинг йўлакларида электр ҳисоблагичлар ўрнатилган. Мана шундай электр ҳисоблагичларнинг йўқолиб қолиши ёки ўмариб кетилиши ажабланарли ҳолдир. Акмал Икромов тумани ИИБ навбатчилик қисмига тунда Дониёр Х.нинг йўлагидаги электр ҳисоблагични кимдир ўғирлаб кетганлиги тўғрисида хабар тушди. Зудлик билан ўтказилган қидирув ўз натижасини берди. Ушбу жиноятни амалга оширган, ҳеч қаерда ишламайдиган фуқаро Холмурод Д. милиция ходимлари томонидан ушланди. Суриштирув жараёнида мазкур шахснинг ўзи чилонзорлик жабрланувчи Матлаб М.нинг электр ҳисоблагичларини гумдон қилганлиги аниқланди. Далилий ашё олиниб «монтёр» амаки қилмиши учун жавоб берадиган бўлди.

**Замон ЭШОНҚУЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази жамоатчи мухбири.**




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 209**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-2807. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 1 2 3 4 5 6